



## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО СОҶАСИГА ДОИР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни инвестициялар ва ташқи савдо соҳасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда 2021 йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Коронавирус пандемияси бутун дунё иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, экспорт ва инвестиция жараёнларида турли қийинчиликлар юзага келди.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олдиндан кўрилган чоралар ўз натижасини берди. Жорий йилда 6,6 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ўзлаштирилди. Шунингдек, йил якуни бўйича 15 миллиард долларлик экспорт амалга оширилиши кутилмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари 2021 йил ҳам иқтисодиёт учун осон бўлмастлигини, шу боис, инвестициялар жалб қилиш, ўзлаштириш ва экспорт прогнозларини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун хозирданоқ аниқ, манзилли чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

Келгуси йили 7,5 миллиард доллардан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мақсад қилинган. Йиғилишда ушбу маблағни ҳар бир лойиҳа бўйича тўлиқ ва муддатда ўзлаштириш чора-тадбирлари белгиланди. Бундай сармоялар ҳисобига 226 та йирик лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича аниқ чораларни кўриш топширилди.

Шунингдек, 69 та истиқболли янги санаот лойиҳасини сифатли амалга ошириб, иқтисодиёт ўсишига қўшимча заҳира яратиш вазифаси кўйилди. Бунда асосий драйвер соҳалар бўлган кимё, энергетика, машинасозлик, геология, электротехника, фармацевтика ва энгил санаот тармоқларига алоҳида эътибор қаратилади.

1 январдан бошлаб, халқаро молия институтлари кредит маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича янги тизим жорий

этиш, ҳар бир лойиҳада белгиланган маблағларни самарали ўзлаштириш ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида "Лойиҳа офислари" раҳбар ва ходимлари малакасини ошириш ва уларни ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

Келгуси йили экспорт ҳажми 17 миллиард доллар атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга экспорт шартномаларини хозирданоқ тузиш, 1 январдан Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан экспорт олди молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда инвестициялар ва ташқи савдо вазири ҳамда унинг уринбосарлари ушбу вазифаларни бажариш бўйича режалари юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

## ЯНГИ КЎПРИК, ЯНГИ РИШТА, ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига қилган ташрифи чоғида Амударё устида Хоразмни Қорақалпоғистон билан боғлайдиган 413 метрлик кўприк, Қораўзақ туманидан Шовот туманига 79 километрлик темир йўл қурилиши бўйича топшириқ берган эди.



Автомобиль ва темир йўл транспорти учун мўлжалланган қўшма кўприк икки ҳудудни бирлаштирибгина қолмай, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширади, манзилларни яқинлаштиради. Йўловчи ва юкларнинг хавфсизлигини таъминлайди. Амударёнинг сув

ости олами ва унинг оқими таъсир кўрсатмайди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Амударё тумани мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан узилиб қолган, шунингдек, темир йўл тармоқларига ҳам тўғридан-тўғри боғланиш имкони мавжуд эмас. Авто-

мобиль транспорти қатнови ҳам чекланган, чунки Амударёдан ўтиш учун фақат понтон кўприкдан фойдаланилади. Понтон кўприги 1938 йилда қурилган бўлиб, ани пайтда у занг босиб, ани эскирган ва фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Давоми 2-бетда

## "Berliner Telegraph": ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ — ҚАТЪИЙ ИСЛОҲОТЧИ



Engagierter Reformier Präsident Mirziyoyev

The Great Reset Offenheit und Zusammenarbeit: ein neues Gesicht Usbekistans Terroranschlag in Wien

Германияда чоп этиладиган нуфузли "Berliner Telegraph" журналининг декабрь ойидаги сонида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётига бағишланган таҳлилий мақола эълон қилинди.

Муаллиф, таниқли немис сиёсатшуноси Маттиас Дорнфельд "Ўзбекистоннинг янги имижини: очиқлик ва ҳамкорликка тайёрлик" сарлавҳали материалда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ўзгаришлар, республика раҳбариятининг ташқи ва минтақавий сиёсати ҳақида батафсил сўз юритган.

Мақолада Ўзбекистон Евроосиёнинг маркази ва Марказий Осиёдаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат сифатида минтақавий ҳамкорликда етакчи мавқега эга экани таъкидланган.

"Марказий Осиёдаги энг кўп аҳоли истиқомат қиладиган давлат раҳбарияти минтақавий ҳамкорликда етакчи ролни ўз зиммасига олиш кераклигини аналдади. Қўшни Қирғизистон ва Тожикистон билан минтақавий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистонга сув етказиб бериш масаласидаги зиддиятлар ҳал қилинди. Икки томонлама чегарадан ўтиш пунктлари очилиб, куруқлик ва ҳаво орқали транспорт алоқалари тикланди. Ўзбекистон минтақада умумий иқтисодий ривожланиш, хавфсизлик ва барқарорликка интилоқда", дея таъкидлайди сиёсатшунос.

Муаллиф, шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, қўшни мамлакатни иқтисодий қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратган.

"2016 йилги Президент сайловидан сўнг Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати яхлит ёндашувга асослангани билан аҳамиятли.

Давоми 2-бетда

### Ўзгаришлар суръати

## ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАФФОФЛИГИ ЗАРУР

Бобур БЕКМУРОДОВ, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати раиси

Декабрь ойида ўтаётган йил натижаларини сарҳисоб қилиш, амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, янги мақсадларни белгилаб олиш одат тусига кирган. Президентимиз ташаббуси билан бошланган ислоҳотлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва инновациялар соҳасида салмоқли натижаларга эришди. Мухтасар айтганда, барча тармоқларда миллий манфаатлар ва халқ фикрини инobatга олган ҳолда изчил ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш жараё-

нида давлат ҳокимияти органларининг фаолияти қайта кўриб чиқилди. Қонун ҳужжатларига маҳаллий ижро этувчи органлар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш тўғрисидаги тегишли ўзгаришлар киритилди. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, маҳаллий ҳокимият органларининг аниқ кўрсаткичлар бўйича фаолиятини баҳолаш чоралари кўрилди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига киришгандан буён 90 дан ортиқ давлат муассасаси,

жумладан, Транспорт, Қурилиш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ҳўжалиги, Мактабгача таълим, Инновацион ривожланиш, Энергетика вазирликлари ташкил этилди ва ислоҳ қилинди. Давлат хизматларини ривожлантириш, Ёшлар ишлари, Коррупцияга қарши курашиш агентликлари иш бошлади.

### "ХАЛҚ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА ЭМАС, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК"

Тубдан модернизациялаш ҳақида гапирганда, демократлаштириш ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ютуқларни алоҳида тилга олиш жоиз. Бугунги кунда аҳоли ва жаҳон ҳамжамиятини ислоҳотларнинг бориши тўғрисида кенг хабардор этиш, уларнинг ижроси устидан парламент назорати билан бир қаторда жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 3-бетда

### Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллигига

## "ИССИҚҚИНА КАФТЛАРИМДАН ШАБНАМ ИЧАДИ ҚУЁШ"

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан тонда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси жамоаси, адабнинг оила аъзолари, ёзувчи-шоирлар Чигатой қабристонига йўл олдилар. Йиғилганлар меҳридарё ва талабчан муҳаррир, ёруғ туйғуларни тараннум этган шоир ва ёзувчи ҳақидаги хотираларни эсга олиб, марҳумнинг руҳига Қуръон тиловат қилдилар.

Шу кунга ёзувчи яшаб ижод қилган хонадонда ёдгорлик лавҳа ҳам ўрнатилди. Ушбу барельефнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси жамоаси, ёзувчи, шоир, адабиётшунос ва журналистлар иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар адабнинг ижоди билан боғлиқ илқ хотираларни эсга олди.

Давоми 2-бетда

### Обод манзиллар



## ҚОРАСУВ — САМАРҚАНДНИНГ ЯНГИ ШАҲАРЧАСИ

Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Ўзининг бой тарихий ва маданий меросига эга бўлган кўҳна Самарқанд бугун ҳар жиҳатдан обод ва кўркам масканга айланди. Истиқлол туфайли қадимий ёдгорликларнинг тикланиши, янги-янги замонавий иншоотларнинг барпо этилиши, кўчаларнинг кенгайтирилиши шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Давоми 4-бетда

### Муносабат

## ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — АҲИЛЛИК, ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИГИМИЗ

Бағрикенглик, инсонпарварлик туйғусини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, фуқароларга миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Президентимизнинг 2020 йил 17 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги қарори юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик борасидаги саъй-ҳаракатларнинг навбатдаги ёрқин ифодаси бўлди.

Давоми 2-бетда







Юридик клиникалар

# ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ ВА АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАР МАСКANI



**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, Тошкент давлат юридик университети профессори**

Ҳозирги замон фан ва таълим сифатига нисбатан жамият талабларининг ошаётганлиги, ўқитиш технологияларининг янгилашиб бораётганлиги, таълим ва илмий муассасаларнинг ташкилий-иқтисодий шароитлари тез суръатда ўзгараётганлиги билан тавсифланади. Шубҳасиз, бу ўринда олий ўқув юртларининг ҳозирги замон педагогикасидаги энг самарали ютуқларидан унумли фойдаланишлари муҳим омил ҳисобланади.

**ТАРИХГА НАЗАР, УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ ТИЗИМИДАГИ УРНИ**

Жамиятнинг бошқа соҳалари каби ҳуқуқий соҳада ҳам ислохотларнинг самарадорлиги бевосита соҳа мутахассисларининг малакаси ва ҳуқуқий таълим сифатига боғлиқ. Айни пайтда мамлакатимизда янгилашиб жараёнлари талабларига жавоб берадиган, юқори малакали ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ягона юридик таълим тизими концепцияси ички амалга оширилмоқда. Унга қўра, бўлажак ҳуқуқшуносларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлашда уйғунлики таъминлаш, ҳуқуқий таълим тизимининг давлат ва жамоат бошқарувини такомиллаштириш сифатини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Дунёда ихтисослаштирилган таълимнинг бир қисми сифатида — ҳуқуқий клиникаларнинг пайдо бўлиши тарихи бир асрдан кўпроқ вақтни қамраб олади. Дастлаб Европада тиббий таълим тизимида муҳим ўрин эгаллаган, амалиёт учун зарур тиббиёт клиникалари мавжуд бўлган.

“Юридик клиника” атамаси илк бор 1855 йилда машҳур рус юрист-цивилисти, ҳуқуқ доктори Дмитрий Мейер томонидан қўлланилган. Дастлабки юридик клиникалар XIX асрда Германия ва АҚШда ташкил топган. Юридик клиникаларнинг афзалликлари талабаларга, уларга таъриф буюрувчи кам таъминланган фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар беришда намоён бўлади. Бу борада уларга замонавий ҳуқуқий таълим сифатини ошириш воситаси сифатида ҳам қаралади.

Айрим мутахассислар юридик клиникаларни фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш шакли сифатида эътироф этади. Бъэзилар эса унга замонавий ихтисослаштирилган таълим сифатини ошириш, амалиётда талабаларни юрист-профессионал сифатида инновациялар ёндашув асосида тайёрлаш, қонун ҳужжатларини амалий қўллаш асосларини ўргатиш воситаларининг ажралмас қисми, ҳуқуқий консалтинг ва ҳуқуқий казусларни ҳал қилишда бошланғич кўникмаларни шакллантириш имконияти, талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини, фуқаролар билан профессионал асосда мулоқот қилиш қўбиллатини шакллантириш воситаси сифатида

қарайди. Шу билан бирга, нодавлат бегараз ҳуқуқий ёрдам тизими иштирокчилари бўлган юридик клиникалар ҳуқуқий химоя фаолиятининг тўлақонли субъекти ва инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимининг таркибий қисми ҳамдир.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИДИК КЛИНИКАЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ ҚАНДАЙ?**

Амалиёт шуни кўрсатадики, клиникада фаолият кўрсатадиган талабалар билим олиш ва ўқитиладиган фанларни курсдошларига қараганда тезроқ ўзлаштиришга мойил бўлади. Яъни, маъруза ва семинар машғулотлари давомида улар ҳуқуқий масалаларни муҳокама қилиш ва муаммоларни ҳал этишда ўқитувчининг эслатмаларисиз ҳам фаол бўлади. Бу нафақат уларнинг имтиҳондан ўтиш истаги билан, балки, энг аввало, ўз билимларини юридик клиникада консултация жараёнида қўллаш

ҳуқуқий маслаҳат берувчи юридик клиникаси ҳозирги кунда фақат Тошкент шаҳри аҳолиси вакилларини қабул қилиш билангина чекланиб қолмасдан, қатор туманларга сайёр қабуллар амалга ошираётганини кайд этиш мумкин. Эндиликда, юридик клиникалар Интернетга уланган, компьютерлар билан жиҳозланган замонавий қулайликлар мавжуд маскан.

Ҳозирги пандемия шароитида ҳам юридик клиника фуқароларга хизмат кўрсатиш учун онлайн форматни янада ривожлантириш устида иш олиб бормоқда. Жумладан, e-university лойиҳаси доирасида талабаларни online ва offline, video, audio ва matnli консултацияларни ўз ичига олган махсус веб-сайт асосида ўқитиляпти.

Маълумки, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошида ҳам кўп йиллардан бери юридик клиника фаолият кўрсатади. Мақсад — талабаларнинг билим ва амалий тайёрларлигини ошириш, таълим жа-

Биринчидан, юридик клиникалар бакалавр ва магистрлар учун профессионал таълим дастурининг мажбурий элементига айланиши керак. Талабаларнинг амалиётга йўналтирилган (клиник) таълимини амалга ошириш бўйича клиникаларнинг самарали фаолият кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш зарурдир, доимий фойдаланиш фаол профессионал кўникмаларни (ҳуқуқий масалалар бўйича интервью ва консалтинг, юридик ҳужжатларни ёзиш, амалий таҳлил ва бошқалар) ривожлантириш имконини ҳам беради.

Иккинчидан, мамлакатимизда олий юридик таълим муассасаларида юридик клиникалар фаолиятини такомиллаштириш бўйича намунавий низом лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шунга боғлиқ равишда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишда иштирок этиш учун талабаларнинг қўнгилли харақатини шакллантириш лозим.



Юридик клиниканиннг ажралмас қисми сифатида ишлаш тажрибасига эга бўлган юридик ўқув юртлари ўқитувчилари ва раҳбарлари бўлажак ҳуқуқшуносларни тайёрлашда юридик клиникалар амалиётини мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлишлари керак. Бу, талабаларнинг олий ўқув юрти “деворлари”да амалиёт ўташлари учун яхши имконият. Улар юридик амалиётда қимматли тажриба орттиради, ўқитувчилар ҳам, ўз навобатидан, назарий билимларини мустаҳкамлайди. Талабалар, шунингдек, фуқароларнинг мақбул юридик қарорлар қабул қилишлари (турли инстанцияларда сарсон бўлмаслик) учун тўлақонли ҳуқуқий ахборотга киришни таъминлайди.

Билан ҳам боғлиқ. Шу билан бирга, улар курсдошларига ҳам ижобий ўрнак бўлади.

Юридик клиника ихтисослашган олий ўқув юртлари муҳитида эндиликда замонавий воқеликка айланган. Маълумки, талабаларнинг назарий билимлари ҳар доим ҳам амалиётда ўз самарасини беради. Зеро, клиниканинг асосий, самарали омил унинг етакчиси ва касбий малакаси саналади. Афсуски, ҳозирда тегишли кўникмалар, амалий билимларга эга ўқитувчилар етарли эмас. Клиник-талабалар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати улар фаолиятидаги жавобгарлик билан узвий боғлиқ. Ахир, ҳар бир ҳуқуқий муаммо, ҳар бир юридик клиникага муносабат қилиш ортида реал одамлар ва тақдирлар этади.

Юридик клиниканиннг ажралмас қисми сифатида ишлаш тажрибасига эга бўлган юридик ўқув юртлари ўқитувчилари ва раҳбарлари бўлажак ҳуқуқшуносларни тайёрлашда юридик клиникалар амалиётини мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлишлари керак. Бу, талабаларнинг олий ўқув юрти “деворлари”да амалиёт ўташлари учун яхши имконият. Улар юридик амалиётда қимматли тажриба орттиради, ўқитувчилар ҳам, ўз навобатидан, назарий билимларини мустаҳкамлайди. Талабалар, шунингдек, фуқароларнинг мақбул юридик қарорлар қабул қилишлари (турли инстанцияларда сарсон бўлмаслик) учун тўлақонли ҳуқуқий ахборотга киришни таъминлайди.

Тошкент давлат юридик университетининг фуқароларга бегараз

раёни ва амалиёт ўртасида доимий алоқа тизимини яратиш, университетнинг адвокатура, суд ва бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш, таълим жараёнида амалиётнинг назарияга мосу келишини таъминлаш, талабаларда амалга оширилган ишлар ва унинг натижаси учун жавобгарлик ҳиссини ривожлантириш. Клиниканиннг фаолияти Президенти-мизнинг 2018 йил 21 июндаги “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида такомиллаштирилди.

Юридик клиника Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ҳам фаолиятини йўлга қўйган. Бундан ташқари, Ўзбекистон қасаба уюмчаси Федерацияси Кенгаши қошидаги юридик клиника ижтимоий-ҳуқуқий (ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш), ахборот-маърифий (халқаро ва миллий меҳнат стандартларига мувофиқ), ўқув-тарбия (ҳуқуқий қўллаш кўникмалари, умуминсоний кадриятларни асраш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш), илмий-тадқиқот (ижтимоий-меҳнат соҳасида илмий-таҳлилий материалларни ишлаб чиқиш) йўналишларида фаолият кўрсатмоқда.

Юридик клиникалардан келиб чиққан ҳолда, юридик клиникаларнинг институтлаштиришга эришишда уларнинг мавжудлиги ва самарали ишлаши учун мажбурий таълим шакли сифатида қараш, тегишли маблагларни йўналтириш чораларини ташкил этиш ҳам талаб қилинади.

Ҳуқуқий билимларни тарқатиш, ҳуқуқ тарбияси, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, ўқув-тушунириш ишлари юристлар зиммасида экан, уларни олий ўқув юртидан бошлаб ўргатиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун олий касбий таълимнинг янги давлат таълим стандартларида юристларни бакалавр ва магистратура шаклида тайёрлаш, ҳуқуқий фанларни ўқитиш ва ҳуқуқий таълимни ўз ичига олган педагогик фаолиятни назарда тутиш лозим. Замонавий ўқитиш технологиялари тўғрисида тизимли фойдаланилганда, анча юқори натижалар бериши мумкин.

Юридик клиникалар фаолиятини такомиллаштириш доирасида давлат бошқаруви органлари, тadbirkorлик субъектлари ва жамоат ташкилотлари томонидан қўйидаги зарур чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим.

**Соғлом овқатланиш**



Инсон овқат орқали тана қуввати учун сарфланадиган куч ва унинг асосий модда алмашинувини таъминловчи зарур моддаларни қабул қилади. Шундай экан, айниқса, ёш организм, яъни бола учун тўғри овқатланишнинг ахамияти жуда муҳим.

## БОЛАЛАР ТАОМНОМАСИДАН СИФАТЛИ, ТЎЙИМЛИ, ФОЙДАЛИ МАҲСУЛОТЛАР ЖОЙ ОЛСИН

**Шаҳноза РЎЗИЕВА, Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси**

билан бирга, улар таркибига гўшт, балиқ, товуқ, кайнатма шўрва киритилиши мумкин. Бундан ташқари, биринчи таомлар таркибига гўштсиз, жумладан, сабзавотли, ёрмали, фрикадекали шўрвалар, шунингдек, сутли ва мевали суюқ овқатлар тасвия этилади.

Овқатланишнинг организм талабларига монанд бўлиши болалар иммун ҳолати, салбий реакцияларга қаршилик қўбиллати, жисмоний ва руҳий ривожланишини белгилайди. Болаларга бериладиган овқатларнинг кундалик рационали хилма-хиллиги, таркибига аҳамият қаратишда ота-оналар эътиборли бўлиши лозим. Мактабгача таълим ташкилотларида эса тарбияланувчилар учун белгиланган талаблар асосида таом тайёрланади.

Мактабгача таълим ташкилотларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини ўрганиш, сифат, санитария-гигиена талаб ва меъёрларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, тайёр овқатлар етказиб беришнинг шаффоф ҳамда соддаштирилган тизимини яратиш бўйича тақлифлар тайёрлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу жараён, болаларни соғлом овқатлантириш борасида аутсорсинг қорғонналари жалб қилинмаган бўлса, бевосита мактабгача таълим ташкилотлари томонидан ташкил этилади. Бунда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш учун зарур шароитлар яратиш соғлом овқатлантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Таомномага қўра, маҳсулотлар тўлиқ етказилиши ва сарфланишини таъминлаш керак. Шунингдек, ошпазларнинг ҳар уч йилда бир марта малакаси оширилиши, тиббий қўриқдан ўтиши қатъий назоратда бўлиши шарт.

Таомномага имкон қадар барча турдаги озиқ-овқат, хусусан, гўшт, балиқ ва сут маҳсулотлари, сархил мевалар, сабзавотлари киритиш мақсадга мувофиқ. Овқатлар турлари ҳафта давомида такорланмаслигини, маҳсулот ва таомларнинг бир-бирига мос келишини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таомнома тузишда тушлиқдаги овқатга эътибор қаратиш керак. Меъёрдаги гўшт маҳсулотлари, асосан, иккинчи таом учун ажратилади. Чунки организм тушдан кейин кўпроқ энергия сарфлайди.

Яхна таом сифатида бодринг, помидор, янги қарам, сабзи, қизил лавлага каби сабзавотлар ва қўқатлар қўшиб тайёрланган салатлардан фойдаланилади. Салатларга ўсимлик, маккажўхори, кунгабоқар ёки зайтун ёғи қўшилади.

Мактабгача таълим ташкилотиде биринчи таомларнинг тури кенг бўлиши

Иккинчи таом сифатида қайнатилган, димланган ва бошқа шу каби қўринишдаги гўшт, товуқ ёки балиқдан тайёрланган таомлар, шунингдек, гўшти, гўшти-сабзавотли, гўшти-ёрмали таомларни киритиш мақсадга мувофиқ. Қайла тайёрлашда картошка, сабзавотлар, ёрма ва макарон маҳсулотларидан фойдаланилади.

Тушлиқда қўритилган мевалардан тайёрланган компот, қадқоланган мева ва сабзавот шарбатлари, наъматак ичимлиги бериш ҳам мумкин. Эрталабки нонушта яхна таом, иссиқ таом ва иссиқ ичимликдан иборат бўлади. Яхна таом сифатида пишлоқ, салат (пишлоқли, сарийёгли буттерброд) ҳамда сутли бутқалар берилади.

Ичимликлар рўйхатида эрталабки нонуштага сутли какао, сут, сутли чой, кечки овқатга сут, қатик, чой, сутли ва лимонли чой берилиши тасвия қилинади. Тушлиқдан кейинги ораликда бериладиган овқатлар, асосан, сут маҳсулоти ва сарийё, тухум, сут ҳамда ширинликлар солиб тайёрланган булочка ёки қандолат маҳсулотларидан иборат бўлади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 3 ёшли бола кун давомида 1500 килокалория энергия сарфлайди. Бу кўрсаткич 3-5 ёшли болаларда 1800, 5-7 ёшлиларда 2400 килокалорияни ташкил этади.

Улар учун тайёрланадиган овқатлар хилма-хиллиги ва мазалилиги шундай бўлиши керакки, бола беихтиёр “боғчадаги каби бўлсин” деб юборсин. Бундай хоҳиш мактабгача таълим ташкилотига тайёрланаётган овқатлар сифати, ранг-баранглигига берилган юқори баҳо бўлади.

Шу ўринда болаларни овқатлантиришда шарт-шароитга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан, идиш-товуқлар етарли бўлиши ва болаларнинг стол атрофида ўтириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, таомларни дид билан, жуда иссиқ ёки совуқ бўлмаган ҳолда тарқатиш тасвия этилади. Тарбияланувчиларни овқатланиш чоғида тозаликка ва саранжом-сарипталикка ўргатиш ҳам тарбиячи ва ошпазларнинг вазифаси эканини унутмаслик керак.

Юқорида таъкидлаганимиздек, меъёрда, сифатли овқатларнинг боланиннг иммун тизими кучли химояланган бўлади. Соғлом бола машғулотлар ва ўйинлар жараёнида фаолликни қўлдан беради. Бу ёш авлоднинг ҳар томонлама мукамал камол топишида муҳим омилдир.

Тушлиқдан кейинги ораликда бериладиган овқатлар, асосан, сут маҳсулоти ва сарийё, тухум, сут ҳамда ширинликлар солиб тайёрланган булочка ёки қандолат маҳсулотларидан иборат бўлади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 3 ёшли бола кун давомида 1500 килокалория энергия сарфлайди. Бу кўрсаткич 3-5 ёшли болаларда 1800, 5-7 ёшлиларда 2400 килокалорияни ташкил этади.



